

МУЛККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*ИИВ Академияси 311-гуруҳ курсанти
Юсуфов Озабек Ойбек ўғли*

Аннотация: Ушбу мақола орқали мулкка қарши жиноятларнинг тушунчаси, турлари ва ўзига хос хусусиятлари шунингдек мулкка қарши жиноятларнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитлари уларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишлари баён этилган.

Калит сўзлар: мулкка қарши жиноятлар, фирбгарлик, ўғирлик, талончилик, босқинчилик, мулкка қарши жиноятлар профилактикаси.

Annotation: This article describes the concept, types and characteristics of crimes against property, as well as the causes and conditions of the origin of crimes against property, directions for their prevention and elimination.

Key words: property crimes, fraud, theft, robbery, burglary, property crime prevention

Мамлакатимиз мустақилликдан сўнг амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар давлатчилигимиз ва давлат суверенитетининг мустаҳкам пойдеворини яратди. Шунингдек хавфсизлик ва қонун устуворлигини, давлат чегараларининг дахлсизлигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва жамиятда диний бағрикенгликни, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратди.

Мамлакатимизда сўнги йилларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Ички ишлар органлари давлат бошқарув тизимининг асосий бўғини сифатида жамият ҳаётида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Уларнинг асосий вазифаси республикада ҳуқуқни муҳофаза қилишга, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Миллий истиқлол йўлимиз мустақил йўлдан ривожлана бориб, ижодий имкониятлари, ҳақиқий демократик-ҳуқуқий ва инсонпарварлик кадриятларини янада тўлиқ намоён қилиб бормоқда. Ҳозирги кунда ер юзида қолаверса, минтақамизнинг баъзи жойларида тинчликка раҳнамо солаётган шахсларнинг пайдо бўлиши, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиши, айниқса, янгидан янги ахборот технологиялари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг кибржиноятчилик, кибртерроризм каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши фуқароларнинг тинчилигига, осойишталигига таҳдид солинаётганлиги билан изоҳланади.

Амалда мулкка қарши жиноятчилик - бу жиноят қонунида назарда тутилган бир неча ўн жиноят таркиблари (ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш, яни фирбгарлик, ўғирлик, талончилик, босқинчилик, товламачилик, валюта бойликлари билан ғайриқонуний битимлар тузиш, қалбаки пул ёки қимматбаҳо қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш, даромадларни солиқ органларидан яшириш, ғайриқонуний тадбиркорлик, контрабанда ва бошқалар)нинг мураккаб мажмуи ҳисобланади. Мулкка қарши жиноятлар жумласига таъмағирлик ниятидаги мансабдорлик жиноятлари, айниқса, порахўрликни ҳам киргазишимиз мумкин. Шулардан келиб чиқиб, шуни айта оламизки, иқтисодий жиноятчилик ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги у жамият тараққиётигага салбий таъсир кўрсатишини, гувоҳи бўлмоқдамиз.

Мулкка қарши жиноятлардан бири ўғирлик жинояти тушунчасига тўхталиб ўтсак. Жиноят қонунчилигига кўра, ўғрилик - бу ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш, яъни ўғрилик жабрланувчи ёки бошқа шахслар йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкини яширинча талон-тарож қилиш тушунилади.

Ўғрилик мулкка қарши жиноятларнинг энг кўп тарқалган шаклларида бири ҳисобланади. Бунга сабаб, эса ўғриликнинг очиш даражаси унчалик юқори эмаслигида намоён бўлади. Чунки ўғирлик яширин равишда содир этилади, унинг очилишини қийинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасига мувофиқ, **фирибгарлик** деганда, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш тушунилади.

Фирибгарлик ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради.

Фирибгарликнинг қурбони бўлиб қолишга авваломбор, ҳуқуққий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслиги сабаб бўлади. Кейинги пайтларда фарзандларини пора эвазига ўқишга жойлаб қўйишни истаган ота-оналар фирибгарлар домига тушиб қолишмоқда. Бунда ўзаро боғланиб келувчи жиноят содир этилиши кузатилади. Чунки авваломбор, пора беришнинг ўзи жиноят, пора олувчи ва ўртадаги воситачи ҳам жиноят қилаётган шахсга киради.

Юқорида келтирилганидек, фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилади. Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар

қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Босқинчилик– Жиноят кодексининг 164-моддасига асосан ўзганинг мулкни талон–тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд худди шундай зўрлик ишлатиш йўли билан кўрқитиб содир этилган ҳаракат. Мулкни очикдан-очик талон-тарож қилиш атрофдаги шахсларнинг кўзи олдида содир этилган бўлса-ю, атрофдагилар буни англамаса (масалан, айбдор бировнинг чамадонини эгаси йуклигидан

фойдаланиб атрофдагиларнинг кўзи олдида ўғирлайди, бунда жиноятчи атрофдагилар у ўз чамадонини олиб кетяпти, деб ўйлашларига ишонади ва ҳоказо ҳолларда) ҳам ўзганинг мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш деб ҳисобланмоғи лозим.

Мулкка қарши жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, улар бундай жиноят орқали фуқароларнинг ҳусусий мулкига моддий зарар етказадилар. Бундан ташқари, жиноятчилар ўғирлик содир этиб, ғайриқонуний бойлик орттирадилар. Бу маблағлар уларга текинхорларча ҳаёт кечириш имконини яролади. Шу боиз ички ишлар идоралари ходимлари, ҳусусан, профилактика инспекторлари мазкур жиноятларнинг ҳар қандай шакллариغا қарши муросасиз кураш олиб боришимиз лозим.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Абдукодиров Ш.Ё. Айбнинг зҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари. Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 91 б.
2. Абдурасулова К.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. - Тошкент: ТДЮИ, 2005.- 156 б.
3. Алимов Ҳ.Р., Маҳмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати: Чизмалар албоми. - Тошкент:
4. Аллабергенов А.П. Фирибгарлик жинояти учун жавобгарлик- Тошкент: ТДЮИ, 2008. - Б. 39.
5. Ахраров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик. - Тошкент: Адолат, 2007. -Б. 118.